

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВ ИЛХОМИДИН АБДУҚОДИРОВИЧ

**АБУ АЛИ ИБН СИНО ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЁШЛАР
ДУНЁҚАРАШINI ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) in
Philosophical Sciences**

Рустамов Илхомидин Абдукодирович

Абу Али Ибн Сино фалсафий таълимотининг ёшлар дунёқарашини
юксалтиришдаги аҳамияти..... 3

Рустамов Илхомидин Абдукодирович

Роль философского наследия Абу Али Ибн Сины в формировании
мировоззрение молодежи 17

Rustamov Ikhomidin Abdukodirovich

The role of the philosophical heritage of Abu Ali Ibn Sina in the formation of
youth's world view 33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 37

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВ ИЛХОМИДИН АБДУҚОДИРОВИЧ

АБУ АЛИ ИБН СИНО ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЁШЛАР
ДУНЁҚАРАШИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fal170 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳакимов Назар Ҳакимович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Артиқов Тўланбой Артиқович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шодиев Рустам Тоирович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «02» феврал соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел.: 0(374) 223-88-30.

Диссертация автореферати 2022 йил «21» 01 да таркатилди.
(2022 йил «21» 01 даги 8 рақамли реестр баённомаси).



Ф.Х.Юлдашева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлар доктори, доцент

А.А.Эгамбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Т.А.Артиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида барқарор ижтимоий ривожланиш ва иқтисодий тараққиётни таъминлашда илм-фаннинг фундаментал йўналишлари бўйича йирик кашфиётларни амалга оширган мутафаккирлар меросини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фалсафий дунёқарашнинг шаклланиши ва қарор топишида табиатшунос олимлар томонидан яратилган бой илмий меросни тадқиқ этиш, оммалаштириш ва замонавий ижтимоий муаммоларга ечим топиш контекстида ўрганиш зарурати пайдо бўлмоқда. Ёшлар дунёқарашидаги долзарб муаммолардан ҳисобланган соғлом турмуш тарзини шакллантириш, маънавий ва жисмоний камолот уйғунлигини таъминлаш каби масалаларни ҳал этишда буюк мутафаккир аждодларимиз томонидан яратилган асарларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам глобал микёсда буюк файласуф олим Абу Али Ибн Синонинг илмий меросига таянган ҳолда ёшлар дунёқарашини шакллантиришга эҳтиёж вужудга келди.

Жаҳондаги етакчи университетлар, илмий марказларда Абу Али Ибн Сино таълимоти ўрганилмоқда. Ибн Сино меросининг жаҳон цивилизацияси, маънавий маданияти тараққиётига қўшган ҳиссаси, араб ва латин дунёсига таъсири, ёшларда фалсафий ва илмий дунёқарашни шакллантириш зарурати, диний ва дунёвий билимлар уйғунлигига оид қарашлари, фалсафий қиссаларининг мазмун-моҳиятига доир фалсафий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, олимнинг инсон руҳияти ва фаолиятининг ўзаро боғлиқликлари ҳақидаги қарашлари, инсон шаклланиши ва ижтимоий фаоллиги моҳияти ҳамда ижтимоий идеал ва ёшлар маънавий камолотига доир фалсафий мероси ёшлар ахлоқий ва маънавий тарбиясида муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб турибди.

Ўзбекистонда ёшлар дунёқарашини шакллантириш, хусусан илмий билишга бўлган қизиқишини кучайтиришда дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг илмий меросидан фойдаланиш орқали «жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш»¹ мамлакатимизда устувор вазифа эканлиги белгилаб берилди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши, ёшларнинг билим олиши ва ҳар томонлама баркамол шахс сифатида шаклланиши учун барча ресурслар сафарбар этилаётган ҳозирги босқичда ёшлар дунёқарашини шакллантиришда Ибн Синонинг бой илмий меросини илмий-фалсафий нуқтаи назардан чуқур ўрганиш ва олинган хулосаларни амалиётга татбиқ этиш муҳим вазифадир. Ушбу муҳим вазифа ижросини таъминлашда мазкур тадқиқот назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 5 июлдаги 5106-сон

¹ Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.04.2018 йилдаги ПФ-5416 Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.04.2018 й., 06/18/5416/1079-сон, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон.

«Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2017 йил 19 майдаги «2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг сайёҳлик салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Абу Али Ибн Синонинг фалсафий таълимотини тадқиқ қилиш бўйича ўзбекистонлик ва хорижий олимлар муайян илмий ишларни амалга оширганлар. Таъкидлаш лозимки, олимнинг илмий методологик қарашлари ва унинг жаҳондаги фалсафий фикрлар тараққиётига қўшган муносиб ҳиссасидаги ўрни масалалари тадқиқотчилар томонидан маълум даражада ўрганилган. Мутафаккир ижоди, унинг фалсафий таълимотини тадқиқ қилган олимларнинг илмий ишларини тўрт гуруҳга бўлиб ўргандик.

Биринчи гуруҳга, мамлакатимиз файласуф олимлари томонидан ўтказилган тадқиқот ишларини киритиш мумкин. Улардан А.Зоҳидий, А.Ирисов, А.Шарипов, Д.Бирюков, Е.Краинская, О.Файзуллаев, С.Рахимов, Р.Носиров, М.Хайруллаев, М.Жакбаров, М.Шарипов, Ҳ.Алиқулов, М.Баратов, М.Болтаев, Ю.Джумабаев, Х.Джанматова, Ҳ.Ҳамидоваларнинг илмий изланишларини кўрсатиш даркор. Юқоридаги илмий тадқиқотлар асосан мутафаккирнинг этика, психология, педагогика ва фалсафа тарихига доир қарашларининг талқинига бағишланган.

Иккинчи гуруҳдаги тадқиқотлар яқин хориждаги файласуф олимларининг илмий ишларидан иборат. Улардан А.Турсунов, А.Закуев, Г.Ашуров, Г.Курмангалиева, З.Геюшев, К.Кодиров, К.Олимов, М.Диноршоев, М.Турабаев, Н.Сайфуллоев, Н.Рахматуллаев, С.Сулейманов, У.Султанов, Ф.Сироджов, Х.Додхудоевларнинг қаламига мансуб илмий ишларни келтириш мумкин. Бу илмий ишларда мутафаккирнинг эстетика, психология ва тасаввуфга оид қарашларининг тадқиқига эътибор берилган. Обьективлик нуқтаи назаридан қайд қилиш лозимки, ушбу муаллифлар совет даврида илмий иш олиб борганликлари туфайли, муаммонинг талқинига ҳукмрон ғоя талаблари асосида ёндашилган.

Учинчи гуруҳга россиялик файласуф олимлар А.Игнатенко, А.Богоутдинов, Е.Бертельс, Н.Завадовский, Г.Г.Майорова, Е.Фролова,

В.Сагадеев, В.Соколов, М.Асимов, М.Т.Степанянц, Н.Ефремова, С.Б.Серебрековларнинг тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, Е.Фролова ва Н.Ефремова тадқиқотларида олимнинг фалсафий антропологик таълимотининг моҳияти ва мазмунини очиб беришга алоҳида аҳамият берилган. Россиялик шарқшунос файласуф С.Серебреков аллома Ибн Синонинг “Рисола фи-л-ишқ” асарининг арабча факсимилесини, русчага таржимасини ва ўзининг илмий шарҳларини нашр этган, шунингдек мутафаккирнинг “Рисола фи-л-ишқ” асаридаги фалсафий терминлар луғатини тузган.

Тўртинчи гуруҳга Европа мамлакатлари, Америка Қўшма Штатлари файласуфлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларни келтириш мақсадга мувофиқдир. Буюк ватандошимизнинг илмий таълимотини тадқиқи билан шуғулланган хорижлик шарқшунос олимлар XX аср охири ва XXI асрнинг биринчи чорагида қатор илмий мақолалар чоп этганлар. Шулар орасидан А.Гойишон, Б.Леблер, Л.Гардет ва П.Морвеж тадқиқотлари илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди ҳамда Абу Али Ибн Сино фалсафий таълимоти уларнинг тадқиқотида муҳим ўрин эгаллайди².

Шу билан бирга юқоридаги тадқиқотларда яхлит равишда Абу Али Ибн Сино фалсафий таълимотининг мамлакатимизнинг янги ривожланиш босқичида демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, ёшлар тарбияси ва дунёқарашини юксалтиришдаги аҳамияти тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170930223 “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий тадқиқот доирасида бажарилган. (2018-2020й.й.)

Тадқиқотнинг мақсади Ибн Сино фалсафий таълимотининг ёшлар дунёқарашини юксалтиришдаги аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ибн Сино гнесологиясининг сциентистик моҳияти ва оламни идрок этиш жараёнига оптимистик ёндашуви натижасида ёшлар онгида ўзгариш юз бериб, илмий дунёқарашнинг шаклланишига, муаммоли вазиятларда оқилона йўл топа олишига хизмат қилиши асослаб бериш;

Ибн Сино асарларидаги соғлом турмуш тарзини шакллантириш, руҳ ва тананинг уйғун ривожланиши каби ғоялар ёшлар тафаккурига ижобий аксиологик таъсир кўрсатиши сабабли замонавий деструктив ёндошувларга нисбатан қарши позициянинг мустаҳкамланиб боришига хизмат қилишини аниқлаш;

“Донишнома” ва “Соломон ва Ибсол” фалсафий асарлари ёшларда фуқаролик позицияси шаклланишининг ижтимоий-фалсафий аспекти бўлган Ватанга садоқат, бурч ва садоқат туйғуларининг ривожланишига таъсир кўрсатишини очиб бериш;

² Мазкур тадқиқотларнинг рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар қисмида берилган.

олимнинг илмий-фалсафий ижоди, мураккаб ҳаёт йўли ўзида ҳаётӣ қарама-қаршилиқлар ва мураккаб синовларни мужассам этганлиги ҳамда ушбу жараёнлар диалектикасининг моҳиятини кўрсатиб берилиши натижасида замонавий ёшларнинг интеллектуал тараққиётига мотивацион таъсир кўрсатишини асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти Ибн Синонинг фалсафий мероси.

Тадқиқотнинг предмети Ибн Сино фалсафий таълимотининг ёшлар дунёқараши шаклланишига таъсири.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда назарий объективлик ва ўзаро алоқадорлик, нисбийлик ва мавҳумийлик диалектикаси, мантиқийлик, қиёсий, тизимли таҳлил, умумлаштириш, ворисийлик, тарихийлик, диалектик илмий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ибн Сино гнесологиясининг сциентистик моҳияти ва оламни идрок этиш жараёнига оптимистик ёндашуви натижасида ёшлар онгида ўзгариш юз бериб, илмий дунёқарашнинг шаклланишига, муаммоли вазиятларда оқилона йўл топа олишига хизмат қилиши асослаб берилган;

Ибн Сино асарларидаги соғлом турмуш тарзини шакллантириш, руҳ ва тананинг уйғун ривожланиши каби ғоялар ёшлар тафаккурига ижобий аксиологик таъсир кўрсатиши сабабли замонавий деструктив ёндошувларга нисбатан қарши позициянинг мустаҳкамланиб боришига хизмат қилиши аниқланган;

“Донишнома” ва “Соломон ва Ибсол” фалсафий асарлари ёшларда фуқаролик позицияси шаклланишининг ижтимоий-фалсафий аспекти бўлган Ватанга садоқат, бурч ва садоқат туйғуларининг ривожланишига таъсир кўрсатиши очиб берилган;

олимнинг илмий-фалсафий ижоди, мураккаб ҳаёт йўли ўзи ҳаётӣ қарама-қаршилиқлар ва мураккаб синовларни мужассам этганлиги ҳамда ушбу жараёнлар диалектикасининг моҳиятини кўрсатиб берилиши натижасида замонавий ёшларнинг интеллектуал тараққиётига мотивацион таъсир кўрсатиши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ибн Сино маънавий меросининг ёшлар дунёқарашини шакллантиришдаги ижтимоий-фалсафий муаммолари ва концептуал ечимлари ишлаб чиқилган;

Ёшлар маънавий маданиятини шакллантиришда Ибн Сино фалсафий таълимотидан фойдаланишнинг самарали йўллари, воситалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, махсус журналлар, чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий, методологик ва амалий аҳамияти Ибн Сино

таълимотида ижтимоий-фалсафий муаммолар ва улар концептуал ечимларининг комплекс тадқиқ қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда баён қилинган масалаларнинг ечими, ижтимоий фалсафий таҳлили, ишлаб чиқилган хулоса ва натижалари ёшлар маънавий маданиятини юксалтириш, пировард натижада баркамол авлодни шакллантиришда мутафаккир Ибн Сино таълимотидан илмий асос сифатида самарали фойдаланиш, шунингдек ҳозирги даврда ижтимоий фалсафа фанини ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб кўшилади.

Диссертация натижалари, муаллифнинг мустақил хулосалари, тавсиялари ижтимоий гуманитар фанларни ўқитиш тизимидаги тегишли мавзулардан ўқув методик мажмуалар тайёрлашда муҳим манба сифатида хизмат қилади. Шунингдек тадқиқот натижалари олий ўқув юртлири, академик лицей, профессионал таълим ўқув юртлири, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларнинг малакасини ошириш институтларида махсус курс сифатида ўқитилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абу Али Ибн Синонинг инсон дунёқарашининг гносеологик жиҳатлари, шахс фаолиятининг жамият равнақи, хусусан, инсон камолотига ижобий таъсир этувчи омиллар, уларни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган ижтимоий-фалсафий таклифлар асосида:

Ибн Сино гнесологиясининг сциентистик моҳияти ва оламни идрок этиш жараёнига оптимистик ёндашуви натижасида ёшлар онгида ўзгариш юз бериб, илмий дунёқарашнинг шаклланишига, муаммоли вазиятларда оқилона йўл топа олишига хизмат қилиши асослаб берилганига оид таклифлардан ОТ-Ф1-100-рақамли «Имконияти чекланган болалар ижтимоий фаолиятининг бадий ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви» лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 24 майдаги 89-03-2000-сон маълумотномаси). Бу эса ёшлар орасида алломалар меросига қизиқишнинг ортиши, улар маънавий-ахлоқий идеалининг шаклланишига хизмат қилган.

Ибн Сино асарларидаги соғлом турмуш тарзини шакллантириш, руҳ ва тананинг уйғун ривожланиши каби ғоялар ёшлар тафаккурига ижобий аксиологик таъсир кўрсатиши сабабли замонавий деструктив ёндошувларга нисбатан қарши позициянинг мустаҳкамланиб боришига хизмат қилишининг аниқланиши ёшлар билан олиб борилаётган тарғибот ва тушунтириш ишларини ташкил этишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2018 йил 13 апрелдаги 04-13/2033-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан ёшлар орасида олиб борилаётган тадбирларда фойдаланиши улар ўртасидаги салбий иллатлар – ичкиликбозлик, тамаки чекиш ва лудомания каби деструктив ижтимоий ҳодисаларни бартараф этилишига таъсир кўрсатган;

“Донишнома” ва “Соломон ва Ибсол” фалсафий асарлари ёшларда фуқаролик позицияси шаклланишининг ижтимоий-фалсафий аспекти бўлган Ватанга садоқат, бурч ва садоқат туйғуларининг ривожланишига

таъсир кўрсатиши очиб берилганига оид тақлиф-тавсиялардан “Буюк алломаимиз маънавий меросини ўрганамиз” мавзусидаги тадбирда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2018 йил

13 апрелдаги 04-13/2033-сон маълумотномаси). Мазкур хулосалар ёшларнинг, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ижтимоий масъулиятини оширишга хизмат қилган, уларда миллий ва умуминсоний кадриятларга нисбатан ҳурмат туйғуларини кучайтиришга ижобий таъсир кўрсатган;

олимнинг илмий-фалсафий ижоди, мураккаб ҳаёт йўли ўзи ҳаётий қарама-қаршиликлар ва мураккаб синовларни мужассам этганлиги ҳамда ушбу жараёнлар диалектикасининг моҳиятини кўрсатиб берилиши натижасида замонавий ёшларнинг интеллектуал тараққиётига мотивацион таъсир кўрсатишига оид тақлифларда Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти Минтақавий тадқиқот марказининг семинар-тренинглари, давра суҳбатлари, тарғибот гуруҳлари фаолиятида фойдаланилган (Минтақавий тадқиқот марказининг 2020 йил 15 сентябрдаги 01/15-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларининг қўлланилиши тадқиқотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилган ҳамда илмий тадбирлар – семинар-тренинглари ва давра суҳбатларни илмий жиҳатдан асослашга хизмат қилган

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та рисола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий нашрларда 8 та мақола (6 та республика, 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ибн Сино таълимотини фалсафий тадқиқ қилишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида мутафаккир яшаган мураккаб даврга қарамасдан, аллома фалсафа фанининг ривожланишига муносиб тўхфа бўлган, оламшумул аҳамият касб этадиган фалсафий асарлар ёзиб қолдирган. Унинг фалсафий таълимоти мазмуни ва

моҳиятини ижтимоий фалсафий қарашларини тадқиқ қилишда аллома яшаган даврда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий маданий муҳит масалаларига эътибор бериш керак. Таъкидлаш лозимки, Абу Али Ибн Сино асарларининг аксарияти тиббиёт, фалсафа, мантиқ, психология, одоб-ахлоқ ва ижтимоий муаммолар ечимига бағишланганлиги билан ажралиб туради. Алломанинг фалсафа фани учун назарий - методологик аҳамият касб этувчи ғоялари замирида барча мавжудотлар ва нарсаларнинг асосчиси табиатдир деган хулосаси ётади. Ибн Сино фалсафий таълимотида табиатнинг ягона, мустақиллиги унинг яратувчанлиги фаолиятида камчиликлар ва салбий нуқсонларининг учрамаслиги қайд қилинади.

Буюк файласуф олимнинг замонавий фанлар ривожига қўшган асосий ҳиссасидан бири унинг барча фалсафий фанларни назарий ва амалий аҳамиятига, яъни назарий ва амалий фалсафага бўлиб ўрганишни тавсия қилганлигидир.

Ибн Сино фалсафий таълимотининг муҳим жиҳатларидан бири, унинг мантиқ фанини илмий билишнинг асосий воситаси деб ҳисоблаганлиги эканлигидир. Фалсафанинг асосий қонуниятларини тадқиқ қилган олим, назарияни илмий билиш усулларини қўллаб амалиёт, яъни борликдаги содир бўладиган ҳодисалар моҳиятини муайян шароитдаги ҳолати билан узвий боғлиқлигини асослайди, тушунтиради. Шунинг учун ҳам аллома фалсафий қарашларида кузатув ва тажрибага асосланган хулоса, олинган илмий натижалар муҳим ўрин эгаллайди.

Абу Али Ибн Сино баркамол инсон тарбияси масалаларини ўзининг фалсафий таълимотида асосий ўринга қўяди. Аллома инсоннинг соғлиги, ақли теранлиги, ижтимоий фаолияти уйғун бўлиши унинг жамиятдаги ўрнини юксак қилади деб ҳисоблайди.

Биринчидан, Абу Али Ибн Сино фалсафий таълимотини мустақил тадқиқ қилиниши фуқаролик жамияти ривожига, ижтимоий фалсафанинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшади, уни янги фалсафий мазмундаги илмий хулосалар билан бойитади.

Иккинчидан, ҳозирги даврда алломанинг гносеологик таълимоти чуқур ўрганилиши, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қурилиши, фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида баркамол ёшлар тарбиясида муҳим восита ҳисобланган ижтимоий фанлар, шу жумладан ижтимоий фалсафанинг ривожланишида муҳим ҳисса бўлади.

Учинчидан, фуқаролик жамияти шаклланиши шароитида Абу Али Ибн Синонинг фалсафий таълимоти, инсон камолотида доир хулосалари, илмий қарашларидан таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари, нодавлат-нотижорат бирлашмаларнинг ўқувчи, талаба ёшлар билан олиб борадиган маънавий, ахлоқий тарбия соҳасидаги фаолиятида кенг фойдаланилади.

Тўртинчидан, узлуксиз таълим тизимида, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва профессионал таълим муассасалари, олий ўқув юртларида ўрганилаётган табиий ва ижтимоий фанларни ўқув қўлланмалари, дарсликларидаги аллома ижодини ўрганишга бағишланган мавзуларни янги хулосалар, мустақил фикрлар, илмий натижалар билан тўлдирилади.

Бешинчидан, Абу Али Ибн Сино фалсафасининг методологик жиҳатларининг чуқур ўрганилиши, глобаллашув даврининг ижтимоий фалсафий жиҳатларини қиёсий ўрганишда умумбашарий аҳамиятга эга бўлган муҳим илмий манба ролини бажаради.

Юқоридагиларга асосланиб диссертациянинг ушбу бобида Ибн Сино таълимотини фалсафий тадқиқ қилишнинг назарий методологик асосларини тавсифланди. Ушбу муаммоларни ўрганиш жараёнида мутафаккирнинг гносеологик таълимотининг шаклланиш давридаги ижтимоий маданий ўзига хос хусусиятлари ҳам ўрганилди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Ибн Синонинг инсон ижтимоий фаолияти ва руҳий ҳолати уйғунлигига оид қарашлари”** деб номланган бўлиб, унда Абу Али Ибн Синонинг фалсафий таълимотида инсоннинг ижтимоий фаолияти ва руҳий ҳолати орасидаги боғлиқлик масалаларига муҳим ўрин берганлиги тадқиқ этилган. Таъкидлаш лозимки, ушбу илмий жиҳатдан мураккаб масалани аллома Шарқ файласуфлари орасида биринчилардан бўлиб тадқиқ қилган. Муаммони тадқиқ этилишининг амалий аҳамияти шундаки, инсон тарбияси унинг жамиятдаги ўрни, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга молик вазифаларнинг ечимини топиш учун ҳаракати билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ушбу масалани Абу Али Ибн Сино фалсафий таълимотининг инсон руҳияти ва фаолияти билан узвий алоқадорлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Мутафаккир таълимотидаги инсон шаклланиши, тарбияси, унинг борлиққа муносабати, уни тўлиқ англаш, тушуниш учун ҳаракати, билим олишга интилиши камолоти ҳақидаги мустақил фикрлари илмий фалсафий хулосалари, назарий фан тараққиёти учун методологик аҳамиятга эгадир.

Ибн Сино фалсафий таълимотида илгари сурилган муҳим фалсафий ғоя, яъни инсон танаси бутунлигича тасаввур этиш лозимлиги ҳамда тана қисмлари, аъзолари орасидаги уйғунлик, борлиқ ҳақидаги фалсафий қарашлари ўзининг фалсафий аҳамияти билан инсон фалсафаси моҳиятини ўрганишга муносиб ҳиссадир. Шунингдек, буюк мутафаккир томонидан асосланган инсоннинг психологик ҳолати, унинг ижодий фаолияти, ижтимоий ҳаётидаги самарали ҳаракатлари натижаси билан боғлиқлигидадир.

Биринчидан, инсонийлик ўз мазмунига биноан узун, қисқа, ёш, қари, оғир, енгил, иссиқ, совуқ каби ҳолатларга эга эмас. Шу фикрни англасак ва мазмуни, моҳияти, аҳамиятини тушунсак, инсонлик шартлари узун, қисқалик, ёшлик, қарилик каби хислатлар эмаслигини англаймиз. Инсон ўзидаги сезгилар билан инсонийликни эмас, балки, айрим муайян индивидларни, муайян шахсларни кўриш, эшитиш, уларнинг фаолияти ҳақида тасаввурга эга бўлиши мумкин. Инсонийлик, яхшилик ва ёмонлик каби маъноларни, абстракт умумий тушунчаларнинг моҳиятини ҳайвонлар билмайди, чунки улар фикрламайди. Демак, инсонлар асосан ҳайвонлардан оламдаги барча мавжудотларнинг моҳиятларини билишга имкон берувчи ақл-идрок қувватлари билан фарқланади.

Иккинчидан, Ибн Сино ўз фалсафий мушоҳадаларида инсонларнинг ақлий даражаларини ҳам фарқлайди ва уни уч босқичга бўлади. Унинг фикрича, биринчи, қуйи босқич салоҳиятдаги ақл. Иккинчи даражали босқич, тажрибада ҳосил қилинган, фойдаланиладиган мустафид ақл. Учинчи босқич, юқори даражадаги ҳаракатларда, намоён бўладиган фаол ақлдир.

Учинчидан, таъкидлаш лозимки, мана шу фаол ақл ёрдамида инсоннинг тўлмаган билимлари, шахсий онги ўсиб боради, камол топади, турли дунёвий фойдали илмларни мунтазам ўрганади, ўз фаолиятида уларга амал қилади. Шу ўринда Ибн Сино илмий тушунча ва фалсафий ғояларни тасаввурий фикр билан боғлайди. Унинг фикрича, камол топган, фаол ақл соҳиби бўлган инсон руҳи янада юксакларга парвоз қилиш учун муайян вужудга, баданга, танага ҳожати қолмайди. Аксинча, бадан, танага хос тубан эҳтиёжлар, хирслар, бу дунёга алоқадор майл, истакларидан қутилган инсон руҳи ўзи илк марта кўрган, ҳис қилган юксакликларга кўтарилади.

Тўртинчидан, мутафаккир таълимотида илгари сурилган муҳим илмий фалсафий хулоса инсон руҳиятининг ҳолати баркамол авлод шаклланишининг такомиллашувини таъминловчи замонавий тарбия усулларни излаб топиш ва тарбия шакллари такомиллаштиришда, унинг самарадорлигини оширишда фойдаланилади.

Бешинчидан, алломанинг инсон ижтимоий фаоллиги ҳақидаги фалсафий қарашлари мазмунидан баркамол ёшлар тарбияси жараёнида фойдаланиш, улар тафаккурида ва унинг ривожланишида тарихий-фалсафий фикрларни мустаҳкамлайди, фуқаролик жамияти шароитида фаол шахс сифатида шаклланишида муҳим манба ролини бажаради.

Таъкидлаш лозимки, буюк файласуф олим томонидан асосланган илмий хулоса, яъни инсондаги жон субстанцияси ва унинг қандай элементлардан ташкил топганлиги ҳақидаги илмий асосланган фикрлари ҳозирги замон фалсафа фани ривожини учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Юқоридагиларни ҳисобга олиб ушбу бобда Ибн Синонинг инсон руҳияти ва фаолиятидаги ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги таълимотининг мазмуни, моҳияти, мутафаккирнинг инсон вужуди ва фаолияти тўғрисидаги фалсафий қарашлари тадқиқ қилинди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ибн Сино таълимотида инсон камолоти муаммолари ва уларнинг фалсафий аҳамияти”** деб номланиб, унда Шарқ уйғониш даври файласуф олимлари ижодида улар томонидан яратилган илмий таълимотларда инсон муаммоси, шу жумладан, унинг камолоти, тарбияси, жамиятдаги ижтимоий ўрни масалалари чуқур таҳлил қилинган.

Абу Али Ибн Сино қаламига мансуб фалсафий асарларнинг аксарияти инсон маънавий, ахлоқий дунёси, унинг жамиятдаги одоби муаммолари илмий таҳлилига бағишланган. Таъкидлаш лозимки, алломанинг фалсафий таълимотида инсон фаолиятининг ижтимоий идеал масалаларига ҳам муҳим ўрин берилган.

Мутафаккирнинг инсон руҳи ҳақидаги, тангри таоло тўғрисидаги қарашлари умумбашарий аҳамият касб этади. Аллома ижодига, унинг яратган беназир фалсафий мазмундаги асарларининг тадқиқи

мамлакатимизда, бевосита миллий ғоя тарғиботи, ёшларда ватанпарварлик, юртпарварлик, яратувчанлик кайфияти, таълим-тарбияси, умуминсоний характердаги маданиятини, фалсафий мулоҳазасини юксалтиришда муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Ибн Синонинг фалсафий қарашларидаги муҳим хусусиятлардан яна бири, унинг инсон моҳияти, ҳаракатлари мазмуни ва ундаги ақл маънавий дунёсининг хусусиятларини фалсафий нуктаи назардан изоҳлаганлигидадир. Шунингдек, аллома инсоният тараққиётидаги муҳим омиллардан бири унинг дунёвий ва диний билим олиш учун мунтазам ҳаракати зарурлиги ҳақидаги фикрлари, фуқаролик жамияти шароитида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Буюк файласуфнинг бу илмий хулосалари баркамол шахс тарбиясида алоҳида ўринга эга.

Мутафаккирнинг шахс камолоти ҳақидаги бундай илмий асосланган фалсафий хулосалари ҳозирги даврдаги тарбия жараёни учун муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Узлуксиз таълим тизими орқали малакали кадрлар тайёрлашнинг бош мақсадларидан бири уларнинг ижодий, мустақил фикрлашларини шакллантиришдир.

Ибн Сино таълимотидаги инсон камолоти муаммоларининг илмий фалсафий тадқиқи фуқаролик жамияти ривожига муҳим назарий аҳамият касб этади. Бу жараённинг ижтимоий фалсафий тадқиқотлар ривожига аҳамияти қуйидагилар билан изоҳланади.

Биринчидан, мутафаккирнинг инсон камолоти ҳақидаги фалсафий қарашлари демократик тамойилларга асосланган инсонпарвар, инсон манфаатлари, ҳуқуқи қафолатланган жамиятнинг тараққиётида назарий методологик асоснинг мустаҳкамланишида қўлланилади.

Иккинчидан, инсон камолотининг мураккаб томони бўлган маънавий ахлоқий тарбиясининг фуқаролик жамияти шароитида долзарблиги масаласи ва унинг муҳим ечими фалсафий муаммолардан эканлиги, Абу Али Ибн Сино таълимотини мустақил чуқур ўрганишини давом эттиришни тақозо қилади.

Учинчидан, янги ривожланиш босқичида ижтимоий ечимлар ўрганилиб муттасил юксалиб бориши, ҳамда тарбиявий жараёнда учраётган турли муаммоларнинг замонавий ечимини топишда мутафаккир қарашларидан самарали фойдаланишни тақозо қилади.

Тўртинчидан, фуқаролик жамияти шаклланиши даврида жамият аъзолари ҳаракати, фаолиятида муайян ижтимоий ғояга интилишнинг юксалиб бораётганлиги мутафаккирнинг ушбу муаммонинг мазмуни, моҳиятига нисбатан беназир фикрларининг долзарблигини тасдиқлайди.

Бешинчидан, демократик жамият ривожигаги муҳим омиллардан бири халқимизнинг бой тарихи, маданиятини ўрганишни тақозо қилади ва бу жараён ёшлар ақлий, ахлоқий, маънавий баркамоллигига етаклайди. Шу муносабат билан буюк файласуф аллома Ибн Синонинг инсон камолоти ҳақидаги таълимотини тадқиқ қилиш муҳим назарий, методологик амалий аҳамият касб этади.

Юқоридагиларга асосланиб, диссертациянинг учинчи бобида алломанинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти ва унинг фалсафий

жиҳатлари тадқиқ қилинган. Шу муносабат билан шахс ижтимоий идеал ва унинг маънавий дунёси юксалишига доир илмий қарашлари таҳлилига асосий эътибор берилган.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда мустақиллик даврида “Абу Али Ибн Сино фалсафий таълимотининг ёшлар дунёқарашини юксалтиришдаги аҳамияти” мавзусидаги фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ибн Синонинг гносеологик ва онтологик қарашлари унинг табиий ва фалсафий фанларни муаммолари ечимини чуқур билиши билан боғлиқдир. Алломанинг табиатга доир таълимоти, фалсафий қарашларининг таркибий қисмини ташкил этади. Ибн Сино фалсафий қарашларининг шаклланиши ва камол топиши эса Аристотель ва Абу Наср Форобий фалсафий қарашларидан маънавий озикланган ва илҳомланганлиги билан ўзаро боғлиқдир.

2. Ибн Сино фалсафий қарашлари ёшлар дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Олимнинг мураккаб ҳаёт йўли, илмий тадқиқотларини амалга оширишдаги қийинчиликлар ва ҳар қандай тўсиқларга қарамасдан, оламни англашга бўлган рационал интилиши, бугунги кунда ёшларнинг жамият тараққиёти учун меҳнат қилишига ижобий таъсир кўрсатади.

3. Аллома таъкидлайдики, барча фанларни ўрганишдан аввал чинакам олим, мантиқ илмининг қоида ва қонунларини яхши билиши зарурдир. Лекин мутафаккир болалик ва ўсмирлик чоғларида ўша замон тартибига кўра, аввал Қуръон ва тафсир, сўнг шариат ҳукмларига оид фикҳ илмининг моҳиятини чуқур ўрганган. Айни вақтда Ибн Сино ижод қилган, фалсафий таълимотини яратган даврида мантиқ илмини мустақил ўрганишга ҳам яхши эътибор берилган.

4. Ёшлар дунёқарашини юксалтиришда илмий билишнинг ўрни катта. Шу нуқтаи назардан Ибн Синонинг бу доҳиёна кузатишларида яна бир янгилик шуки, унинг фикрича, кундузи Қуёш ва кечаси Ой ва юлдузлар сувни бир тарафга тартади. Денгизларда сувнинг кўтарилиши ва пасайишини шу ҳолат билан изоҳлаш мумкин. Бу эса ғоят мураккаб, глобал муаммолар ёшларнинг маънавиятига ҳар томонлама таъсир этиб турган бир шароитда, уларнинг аниқ ва табиий фанларга бўлган қизиқишни кучайтиради.

5. Ибн Сино «Донишнома» асарининг таркибига кирувчи «Мантиқ» асарида бу фаннинг мақсадлари, жамият ва фуқароларга фойдаси беқиёслиги ҳақида бундай дейди: «..биз билмаган нарсалар, лекин билишни истаган номаълум нарсаларни аввал билган нарсаларимиз воситасида била оламиз. Аввалги билимларсиз янги билимларни эгаллаш олмаймиз. Аввал билганларимиздан фойдаланиб, янги билимларни эгаллаш учун бир йўл бор, бир илм бор. Бу мантиқ илмидир. Алломанинг ушбу фикрлари жамият тараққиётида ворисийлик, мантиқий билиш ва фаннинг аҳамиятини ёшлар томонидан тушуниб олишда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

6. Ибн Сино фалсафий меросини ўрганар эканмиз шу нарса аниқландики, комил инсонгина олий бахт-саодатга эришади. Бугунги кунда

ёшлар дунёқарашини янада юксалтиришда мутафаккир илмий меросидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР.

Биринчидан, Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети ҳамда тиббиёт олий таълим муассасаларида икки йилда бир марта файласуф олимлар, жамоат арбоблари, магистрлар, тадқиқотчилар иштирокида халқаро Ибн Сино ўқишлари ҳамда халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш ва олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларини, конференция хулосаларини ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп қилиш лозим.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти шаклланиши шароитида баркамол авлодни тарбияси ва мамлакатимиз ёшларини аллома таълимотининг асосий мазмуни билан яқиндан танишишларини таъминлаш мақсадида, Ибн Сино қаламига мансуб фалсафий асарларининг тўлдирилган нашрини ўзбек тилида чоп қилиш ва барча таълим муассасаларига етказиб бериш.

Учинчидан, мутафаккир фалсафий таълимоти ва илмий меросини янада чуқур ўрганиш, уни тарғиб қилиш мақсадида Ибн Сино яшаган, ижод қилган ҳудудлар, шаҳарлар, давлатларга ташриф буюрадиган халқаро илмий экспедиция ишини ташкил қилиш ва фаолиятини таъминлаш. Халқаро экспедиция фаолиятига, Ибн Сино таълимотини ўрганишга бағишланган документал фильмни суратга олиш ва Ўзбекистон телевидениясидан мунтазам намойиш қилиш. Ушбу фильмни ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрлаш.

Тўртинчидан, Абу Али Ибн Сино ижоди ва фаолиятини, илмий таълимотини ўрганишга бағишлаб умумтаълим мактаб ўқувчилари, академик лицей ва профессионал таълим талабалари орасида иншолар, баёнлар танловини ўтказиш. Олий ўқув юртлари “Фалсафа”, “Маданиятшунослик”, “Педагогика”, “Психология” ва бошқа ижтимоий гуманитар фанлардан тузилаётган электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув услубий мажмуалар яратишда самарали фойдаланиш.

Бешинчидан, буюк мутафаккир, беназир аллома Абу Али Ибн Сино образини яратишга бағишлаб тўла метражли, кўп сериялик бадий фильмни яратиш учун кино ижодкорлари орасида танлов эълон қилиш лозим. Танлов ғолиблари, ижодий жамоа томонидан ушбу бадий фильмни суратга олиш, намойиш қилиш учун давлат ва нодавлат ташкилотларнинг молиявий ёрдам кўрсатишлари учун барча шарт-шароитни яратиш мақсадга мувофиқ.

Олтинчидан, Абу Али Ибн Сино таълимотининг умумбашарий аҳамиятга эгалигини ҳисобга олиб, жаҳон мамлакатларида ва Ўзбекистонда чоп қилинган асарлари музейини ташкил қилиш ва унга хорижий сайёҳларнинг, Республикамиз умумтаълим мактаб ўқувчилари, талабалар ва мамлакатимиз ёшларининг мунтазам ташрифларини ташкил қилиш. Ушбу музейда Абу Али Ибн Сино фаолиятининг тарғиб қилувчи фильмларнинг намойишини уюштириш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/30.06.2020.Fal.60.04
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
АНДИЖАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РУСТАМОВ ИЛХОМИДИН АБДУКОДИРОВИЧ

**РОЛЬ ФИЛОСОФСКОГО НАСЛЕДИЯ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ В
ФОРМИРОВАНИИ МИРОВОЗЗРЕНИЕ МОЛОДЕЖИ**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.1.PhD/Fal170.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ik-falsafa.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Хакимов Назар Хакимович**
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Артиков Туланбой Артикович**
доктор философских наук, профессор

Шодиев Рустам Тоирович
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация: **Андижанский государственный
медицинский институт**

Защита диссертации состоится « 02 » 02 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного Совета PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 при Андижанском государственном университете (Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Университетская, дом 129. Тел.: 0(374) 223-88-30; факс: (74) 223-88-30, e-mail: agsu_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного университета (зарегистрирована за № 8). (Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Университетская, дом 129. Тел.: 0 (374) 225-02-08 223-88-30.

Автореферат диссертации разослан: « 21 » 01 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 21 от « 8 » 01 2022 года).



Ф.Х.Юлдашева
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, доцент

А.А.Эгамбердиев
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD)

Т.А.Артиков
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор философских
наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Важное значение в обеспечении стабильного социального и экономического развития в мировом масштабе имеет изучение наследия мыслителей, сделавших крупные открытия в фундаментальных направлениях науки. В процессе формирования и становления философского мировоззрения возникает необходимость исследования, популяризации богатого наследия, созданного учеными естествоведами, и изучения его в контексте поиска решения современных социальных проблем. Особое значение в решении таких актуальных для мировоззрения молодежи вопросов, как формирование здорового образа жизни, обеспечение гармонии духовного и физического совершенствования, приобретает роль трудов, созданных нашими предками - великими мыслителями. Поэтому в глобальном масштабе возникает потребность в формировании мировоззрения молодежи, опираясь на научное наследие великого философа и ученого Абу Али Ибн Сины.

В ведущих университетах, научных центрах мира изучается учение Абу Али Ибн Сины. Осуществляется философское исследование вклада наследия Ибн Сины в развитие мировой цивилизации, духовной культуры, его влияния на развитие науки. Востребованность исследование научного наследия великого мыслителя связано необходимостью формирования философского и научного мировоззрения у молодежи, его взглядов на органическое соответствие религиозных и светских знаний, сущности и содержания его философских повестей-аллегорий. Важное теоретическое и практическое значение в нравственном и духовном воспитании молодежи имеет взгляды ученого на взаимосвязь психики человека и его деятельности, сущность формирования человека и его социальной активности, а также философское наследие, имеющее отношение к социальному идеалу и духовному совершенствованию молодежи.

В формировании мировоззрения молодежи Узбекистана, в частности, усиления интереса к научному познанию приоритетной задачей определено «изучение бесценного наследия великих предков, внесших огромный вклад в развитие мировой науки и культуры, воспитание на этой основе гармонично развитой молодежи»¹. Поэтому на современном этапе, когда в Узбекистане социальное развитие является приоритетным направлением государственной политики, мобилизуются все ресурсы на получение молодежью знаний и формирование в качестве всесторонне развитых личностей, важной задачей в формировании мировоззрения молодежи является глубокое научно-философское изучение богатого научного наследия Ибн Сины и внедрение на практике полученных выводов. Настоящее исследование имеет

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-5416 от 16 апреля 2018 года “О мерах по коренному совершенствованию деятельности в религиозно-просветительской сфере”. - <https://lex.uz/docs/3686283>

теоретическое и практическое значение в обеспечении выполнения этой задачи.

Диссертационное исследование в определенной мере послужит выполнению задач, поставленных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, УП-5106 от 5 июня 2017 года «О мерах по повышению эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза молодежи Узбекистана», УП-5326 от 3 февраля 2018 года «О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристского потенциала Республики Узбекистан», ПП-2980 от 19 мая 2017 года «О мерах по ускоренному развитию туристского потенциала города Бухары и Бухарской области на 2017 - 2019 годы» и других нормативно-правовых актах, относящихся к теме.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Исследование духовно-нравственного и культурного развития общества, духовных ценностей, национальной идеи, культурного наследия, истории узбекского народа и государственности, вопросов непрерывности и преемственности образования, воспитания гармоничного поколения».

Степень изученности проблемы. Исследование философского учения Абу Али Ибн Сины в определенной степени осуществлено отечественными и зарубежными учеными. Следует отметить, что вопросы о научно-методологических взглядах ученого и его достойном вкладе в развитие мировой философской мысли в определенной степени изучены исследователями. Научные работы ученых, исследовавших творчество, философские учение мыслителя, мы изучили, разделив их на пять групп.

К первой группе относятся исследования отечественных ученых, философов. Это научные работы таких авторов, как А.Зохийидий, А.Ирисов, А.Шарипов, Д.Бирюков, Е.Краинская, О.Файзуллаев, С.Рахимов, Р.Носиров, М.Хайруллаев, М.Жакбаров, М.Шарипов, Х.Аликулов, М.Баратов, М.Болтаев, Ю.Джумабаев, Х.Джанматова, Х.Хамидова. Научные исследования вышеперечисленных авторов посвящены в основном интерпретации взглядов мыслителя на этику, психологию, педагогику и историю философии.

Вторую группу исследований составляют научные работы философов ближнего зарубежья. К ним относятся работы таких ученых, как А.Турсунов, А.Закуев, Г.Ашуров, Г.Курмангалиева, З.Геюшев, К.Кодиров, К.Олимов, М.Диноршоев, М.Турабаев, Н.Сайфуллоев, Н.Рахматуллаев, С.Сулейманов, У.Султанов, Ф.Сироджов, Х.Додхудоев. В данных работах основное внимание уделено исследованию взглядов мыслителя на эстетику, психологию и тасаввуф. С точки зрения объективности следует отметить, что

в связи с тем, что данные авторы осуществляли свои исследования в советский период, к интерпретации проблемы они подходили на основе требований господствовавшей идеологии.

К третьей группе относятся исследования российских философов, таких как А.Игнатенко, А.Богоутдинов, Е.Бертельс, Н.Завадовский, Г.Г.Майорова, Е.Фролова, В.Сагадеев, В.Соколов, М.Асимов, М.Т.Степанянц, Н.Ефремова, С.Б.Серебряков. В частности, Е.Фролова и Н.Ефремова в своих исследованиях стремились раскрыть сущность и содержание философско-антропологического учения мыслителя. Российским философом и востоковедом С.Серебряковым изданы арабское факсимиле труда Ибн Сины “Рисола фи-л-ишк”, его перевод на русский язык и научные комментарии востоковеда, который наряду с этим составил словарь философских терминов, встречающихся в произведении мыслителя “Рисола фи-л-ишк”.

